

БОЛАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕҲНАТГА МУҲАББАТИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

M.X.Сайдова

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
“Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушибу мақолада болаларниң иқтисодий меҳнатга мухаббатини оширишининг айрим масалалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: одоб-ахлок, меҳнат, содиқлик, иқтисод, эстетика

SOME CHALLENGES OF INCREASING CHILDREN'S LOVE FOR ECONOMIC LABOR

M.X.Sayidova

*Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Teacher of “Technological Education” department*

Abstract: This article provides information on some of the issues of increasing children's love of economic labor.

Keywords: ethics, labor, loyalty, economics, aesthetics.

Тарихимизда маълумки, болаларга одоб-ахлок илмини бериш билан бирга иқтисодий масалаларни оддий шакллантиришдан шунингдек, меҳнат килиш сирларидан сабок бериш лозим.

Мактаб укувчилари иқтисодий талим-тарбиянинг хозирги ахволи узига хос хусусиятига эга. Гап шундаки укувчилар хозирги иқтисодий фаолият билан бевосита алокада эмас.

Болаларнинг иктиносидий меҳнатга муҳаббат оиласидаги ижтимоий мухит бола тарбиясида энг катта роль уйнайди. Бунда бошлангич синф тарбиячисидан тортиб, барча инсонлар ва оила аъзоларининг хизмати бекиёсдир. Шахснинг ахлокий шаклланиши меҳнатсеварлик илмга интилиш, уз халкининг анъаналарини хурмат килиш, уз Ватанига содиклик, жасурлик, садокатлик каби тарбия куринишлари билан камол топади.

Халқ педагогикасида болаларнинг меҳнатга муҳаббатли булишда кадимдан катталар намуна булиб келганлар.

Одатда, уз хужалигида ёрдам бериш, овкат тайёрлаш, укалариға караш, бичиш-тикиш каби усууллар асосида кулланилган. Бу эса уз навбатида болалар психологиясига ёрдам берган. Шу навбатда угил болалар экин экиш, парваришлиш, хайвонларни бокиш каби юмушларни бажарганлар.

Халқ педагогикасида ёш авлодни иктиносидий меҳнатда тарбиялашнинг турли-туман йул ва усууллар, воситалари, манбалари мавжуддир.

Иктисиётга оид фикрларга кадимдан эътибор берилган Аристотель, Комон, Ксеннофонт, Платон, Кадимги Миср, Марказий Осиё, Хитой, Хиндистан мутаффакирларнинг асарларида қуплаб иктиносидий тушунчалар келтирилган ва уларнинг узаро bogлигини тушуниришга харакат килган.

«Иктисад»-(экономия) юонча «Ой кономио» сузидан бошланиб («Ойкос»-уй, хужалик, «номос»-коида, конун маъносини билдиради) дастлабки вактда у уй хужалиги конун коидалари тугрисидаги фан деб талкин этилган.

Укувчиларга иктиносидий таълим беришда кузланган натижаларга эришиш учун аввало уларни меҳнат жараёнига, политехник ва ижтимоий фойдали йуналишдаги, умумтаълимга эга билимларга жалб этиш керак. Укитишнинг хар бир боскичида укувчилар иктиносидий таълимнинг умумий вазифаларининг узига хос хусусиятларига эга булади.

Бошлангич синфларда укувчиларга меҳнат таълимининг куйидаги беш булимдан иборат ягона дастури буйича билим берилади: яъни техник, майший меҳнат, турли ашёларга бадиий ишлов бериш асослари, кишлок хужалик меҳнати ва ижтимоий фойдали меҳнатлар дарсдан ташкари вактларда амалга оширилади.

Меҳнат таълими дастурида уқитувчилар олдига куйидаги вазифалар куйилади:

- мактаб ёшидаги болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш; иктиносидий тафаккурнинг жузъий асослари; меҳнат ахлига хурмат; демократик мулкка; табиатга эҳтиёткорона, тежамли муносабатда булишни тарбиялаш;
- уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида онгли равиша катнашиш малакаларини, дастлабки иктиносидий билим ва қуникмаларини шакллантириш;
- меҳнат таълими жараёнида иктиносидий, ахлокий, эстетик ва жисмоний тарбияни амалга ошириш, амалий фаолият жараёнида болаларда иктиносидий тафаккурнинг ривожланишини таъминлаш.

Меҳнат тарбиясининг ривожланиши тарихидан маълумки, бошлангич синф укувчиларига жузъий иктиносидий билимларни, кишлок хужалик меҳнати малакалари хосил килинишига алоҳида эътибор берилган.

Хозирги пайтда мактаб ёшидаги болаларнинг кишлок хужалиги буйича укув меҳнати асосан, экинларни парваришлашга доир ишларни уз ичига олади ва бундай ишлар уларда иктиносидий билимларнинг ривожланишига замин яратади. Амалиётдан куринаники, олти ёшли болалар маданий усимликларнинг 5-6 хилини (acosan сабзавотларни) яхши биладилар. Улар очик тупрокда бир йиллик усимликлар уругларини униришда уларни экиш, хона усимликларини парваришлаш (сув куйиш, тупрокни юмшатиш) хакида анча пухта билимлар берилиши тавсия этилади.

Бошлангич синф укувчиларининг мавжуд билимларига асосланиб, мазкур синфларда ишлайдиган укитувчиларга куйидагилардан иборат мураккаброк вазифалар куйилади:

- укувчиларнинг яшаш жойларида манзарали дараҳтлар, сабзавот, мевали усимликлар хакидаги тушунча ва тасаввурларини мустахкамлаш хамда ривожлантириш;
- мактаб ёшидаги укувчиларда бутун йил буйи усимликларни парваришлишга доир умумий ишларни кулда бажариш куникмаларини шакллантириш, уларга ёз ва киш фаслидаги ана шу ишларнинг самарадорлигини аниклашни ургатиш;
- болаларнинг яшаш жойларидағи дехкончилик в чорвачиликнинг асосий тармоклари хакидаги дастлабки тушуна ва тасаввурларини аниклаш хамда кенгайтириш, уларга машиналар ва механизмлардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини курсатиш;
- уларни яшаш жойидаги энг куп таркалган кишлоқ хужалик касбларидаги меҳнатнинг мазмуни ва шароитлари билан таништириш, ушбу касбларга булган кизикишларини уйготиш.

Мактаб ёшидаги болаларни иктисодий жихатдан тарбиялашда дехкончилик ва чорвачилик ишларининг ургатилиши гоят кизикарли кечади. Одатда, етиштирилган хосилдан аввало таълимий куникма хосил килиш учун усимликларни парваришлишни курсатмали кулланма, ашे сифатида, кисман мактаб ошхонасида болаларни овкатлантириш учун маҳсулот сифатида фойдаланилади. Бу эса, укувчиларнинг иктисодий тафаккурни ривожлантиришда катта хамиятга эгадир. Шунга кура, укитувчи бошлангич синф укувчилари узлари экиб, парваришлиши учун ушбу усимликлар хосилидан амалда фойдаланишларига алохида ахамият бериши керак булади. Масалага бундай ёндошиш укувчиларда дастурда ифодаланган барча билим ва куникмаларнинг таркиб топишини, шу

жумладан, муайян мисоллар оркали иктиносидий тарбиянинг мунтазам равишда амалга ошишини таъминлайди.

Иктиносидий тарбияда, мактаб ёшидаги болаларнинг кишлок хужалигидаги меҳнати унумли булишини ташкил этиш жуда муҳимдир. Бунда меҳнат онгли булиши, яъни усимликларнинг тузилиши ва ривожи хакидаги, тупрокнинг, угитларнинг хамда дехкончилик билан боғлик бошка элементларнинг хоссалари хакидаги билимларига таяниш лозим, уни бажариш жараёнида иктиносидий тафаккурни ривожлантириш керак. болаларга технологик жараённинг хар бир боскичидаги уз вактларини режали ташкил этишни ургатиш зарур.

Укувчилар иктиносидий билимларнинг асосий кисмини математика, табиатшунослик, она тили (укиш) дарсларидан олади. Бу эса, иктиносидий билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш кандай, кайси методларни ишлаш

агросаноат усулларини, кишлок хужалик ишларини бажариш муддатлари ва режаларини назарий асослаш, усимликларни парваришлаш воситаларини танлаш имконини яратади. Мазкур укув фанларининг алоказларидан фойдаланишнинг педагогик самараси иккита хил характерга эга. Математика, табиатшуносликлик, укиш дарслари иктиносидий характердаги муайян билим билан бойитилса, кишлок хужалик меҳнати табиат, усимликлар ва уларнинг компонентлари хакидаги билимлар нутқай-назаридан англалилади.

Иктиносидий таълим масалаларини хал килишда хар кандай унумли меҳнат укувчиларининг ижодий кучи ва билиш имкониятларига асосланиши зарурлигини унутмаслик керак.

Ана шу талабни таъминлаш учун ишлек хужалик меҳнати дастурига усимликлар билан утказиладиган анчагина тажрибалар киритлган. Уқитувчи уларни утказиладиган анчагина тажрибалар киритлган. Уқитувчи уларни укувчиларда иктиносидий тафаккурни максадга мувоффик

равища ривожлантириш учун фойдаланиши мумкин. Ана шу тажрибалар вактида укувчилар усимликларнинг айрим турларини парваришлаш усуларини шунчаки урганиб колмай, хар бир усулнинг ахамияиини, унинг иктисодий жихатдан максадга мувоифклигини хам аник билиб оладилар. Тажриба ишлари жараёнида мактаб ёшидаги укувчиларда изланиш тафаккурининг, кузатувчанлик, хаёл, хотира ва бошка психик жараёнларнинг жадал ривожланишига эришилади. Бу холл хусусан, ана шу бошлангич иктисодий тафаккурнинг такомиллашуви учун жуда мухимdir. Болаларнинг амалиётда исботланган жузъий иктисодий билимлари асосида уларда маълум иктисодий тафаккур шаклланади. Улар табиатда у ёки бу конуният мавжудлигига ишонч хосил киладилар.

Мактаблар ишининг хозирги шароитида куйи синфлардаги укувчиларнинг кишлок хужалиги буйича унумли меҳнатига политехник йуналиш бериш керак. хусусан, укувчиларда иктисодий тафаккурни ривожлантиришга жиддий эътибор бериш, уларга узлари узлаштирган дехкончиликка доир билим ва қуникмаларнинг универсаллигин курсатиш зарур. Муайян вазифаларни хал килишда укувчилар айрим усимликларни парваришлашнинг муайян агроусулларини узлаштириш билан бирга иктисодий билимларни хам эгаллашади. Бу билимлар этиштирилган хосилда, ундан хаётда самарали фойдаланишда, унинг иктисодий баҳосида акс этишини тушунишлари керак.

Дехкончиликка доир умумий билимлар ва қуникмаларнинг универсаллигидан иктисодий тарбия жараёнида фойдаланиш, масалан, уругларни экиш усусларини таккослашда муайян ифодасини топади. Бунда мактаб ёшидаги укувчилар маълум иктисодий хисоблашларни бажарадилар, меҳнат малакаларига эга буладилар. Укувчиларнинг меҳнатга тайёргарлиги аввало уларнинг меҳнат топширикларини бажаришга ижодий муносабатда булишлари даражасига боғлиkdir.

Амалий педагогик фаолиятда тасдиқланишича, болаларнинг иктисодий билим элементларини узлаштиришдаги мустакиллиги уларда умумий меҳнат куникмалари кай даражада шаклланганлигига боғликдир. Укувчиларга ана шу куникмаларни сингдириш зарур. Шунинг учун, кишлок хужалик ишларини ташкил килишда укувчиларда иктисодий тафаккурни ривожлантириш жараёнида куйидаги куникмаларни шакллантириш назарда тутилиши лозим:

- уз олдига навбатдаги меҳнат фаолиятининг максадини куйиш (амалий иш натижасида кандай умумий меҳнат ва иктисодий билим, куникма хамда малакаларни олиш зарурлигини англаш);
- пиравард натижага эришиш учун керакли меҳнат фаолиятларининг руйхатини ва тартибини аниклашни, ишни режалаштиришни ургатиш;

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лухманов, Д. Б. (2020). Меҳнат тарбияси орқали ўкувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1051-1056.
2. Ахмедов, Б. А. (2021). Задачи обеспечения надежности кластерных систем в непрерывной образовательной среде. *Eurasian Education Science and Innovation Journal*, 1(22), 15-19.
3. Ахмедов, Б. А. (2021). Динамическая идентификация надежности корпоративных вычислительных кластерных систем. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(3), 495-499.
4. Ахмедов, Б. А. (2020). О развитии навыков интерактивных онлайн-курсов в дистанционных условиях современного общества (модель-программа для преподавателей образовательных учреждений). Universum: технические науки, 12-1 (81).
5. Akhmedov, B. A. (2021). Cluster methods for the development

of thinking of students of informatics. Academy, 3(66), 13-14.

6. Akhmedov, B. A. (2021). Innovative cluster model for improving the quality of education. Academic Research in Educational Sciences, 2(3), 528-534.

7. Akhmedov, B. A. (2021). Information technologies in Cluster systems: a competence approach. Universum: технические науки, 4 (85

8. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характеристик качества и надежности программного обеспечения. Eurasian Education Science And Innovation Journal, 3(10), 97-100.

9. Akhmedov, B. A. (2021). Development of network shell for organization of processes of safe communication of data in pedagogical institutions. Scientific progress, 1(3), 113-117.